

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФИЗИОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ
ХАВФСИЗЛИГИ КАФЕДРАСИ**

О. Н. Имомов

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

**(Ҳаёт фаолият хавфсизлиги фанидан
амалий машғулотлар учун услубий кўрсатма)**



Наманган–2012йил

АННОТАЦИЯ

Ушбу “Фавкулудда вазиятлар” номли услубий кўрсатмада фавкулудда вазиятлардан ҳимояланиш, улар содир бўлганда ҳаракатланиш, ҳимоя воситалари, бу соҳадаги Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатлари, фуқароларни ҳуқуқ ва бурчлари ва ҳоказо тушунчалар кенг ёритилган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг 2009 йил намунавий фан дастурига асосан барча йўналиш бакалаврлари учун иккинчи ярим йилликда асосан фавкулудда вазиятларга оид мавзулар келтирилган. Шунинг учун ушбу услубий кўрсатмадаги маълумотлар талабалар учун амалий машғулотлардаги билимларини янада такомиллашувида иштрок этади.

Услубий кўсатма НамДУ Физиология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси йиғилишининг 1 - сонли 28 - август 2012 йил йиғилишида муҳокама қилиниб маъқулланган.

НамДУ Табиий фанлар ва география факултети илмий кенгашининг 1 - сонли 29 - август 2012 йил йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Тузувчи: **Физиология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси ўқитувчиси О. Имомов**

Такризчилар: **Физиология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси мудири доц. А.Н. Арипов**

Умумтехника фанлари ва касб таълими кафедраси ўқитувчиси А. Маткаримов

Фавкулудда вазиятлар юз берганда аҳолини огоҳлантириш тартиби.

Режа:

- 1. Аҳолини огоҳлантириш усул ва воситалари.**
- 2. Хужум хавфи ҳақида аҳолини огоҳлантириш.**
- 3. Огоҳлантириш сигналига мувофиқ ҳаракатланиш қоидалари.**

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР: *ахборот узатиш воситалари, сигнал берувчи воситалар, марказлашган хабар бериш тизими, хабар беришнинг чекланган (локал) тизимлари, кўчма алоқа воситалари.*

Радиоэшиттириш ва телевидение республика аҳолисига фавқулодда вазиятлар ҳақида хабар бериш ва оммавий ахборотни етказишнинг асосий воситалари ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятларда аҳолини огоҳлантиришнинг асосий усулларида бири давлат ёки маҳаллий ахборот узатиш воситалари (телевидение, радио, интернет) орқали оғзаки хабар бериш ҳисобланади. Фуқаро муҳофазаси хабар бериш сигналлари ва тегишли ахборот бутун ҳудудга ёки фавқулодда вазият хавфи туғилган ҳудудга берилиши мумкин. ФВДТда радио, радиореле, симли ва сигнал берувчи алоқа воситали ишлатилади.

Сигнал берувчи воситалар - ахборот бериш, бир-бирини таниб олиш ҳамда хабарлаш, бошқариш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш сигналларини бериш учун ишлатиладиган эшит, кўриш, радиотехника воситаларидир.

Овозли хабарларни Алоқа вазирлигининг ёки давлат телерадио эшиттириш студияларининг малакали суҳандонлари вилоят, шаҳар, қишлоқлар маъмурий марказлари студияларининг, халқ хўжалиги иншоотлари нозимлик пунктлари суҳандонлари эшиттиради. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармалари асосланган овозли хабарлар матнини давлат ва рус тилларида ишлаб чиқишлари, уларни магнит тасмасига видеокассетага ёзиб қўйишлари керак. Магнит тасмасидаги ёзувлар (видеокассеталардаги) фавқулодда вазиятлар бошқармасида [тезкор навбатчида) ва иншоотларда ҳамда Алоқа вазирлигининг ва Давлат телерадиосининг студияларида (шу жумладан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шаҳардан ташқари Бошқарув пунктларида ва вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаларида ҳам) белгиланган тартибда уюшқоқлик билан сақланиши керак.

Овозли ахборот беришдан аввал "Диққат барчага!" огоҳлантириш сиренада бонги чалинади. Уни эшитган заҳоти, телевизор ва радиоприёмникларни ёқиш зарур ва берилаётган сўрсатмаларга қараб ҳаракатланиш лозим.

Замонавий воситалар орқали аҳоли муҳофазасини муваффақиятли ташкил этиш аҳолини ўзини тутиши ва ҳаракатланиш қоидаларини мукамал ўзлаштиришига, фавқулодда вазият вақтида тўғри ҳаракатланишини ташкил этишга ва фуқаро муҳофазаси огоҳлантириш сигналларига мувофиқ фаолиятни амалга оширишларига боғлиқ бўлади.

Огоҳлантириш сигналига мувофиқ ҳаракатланиш.

Аҳолини ўз вақтида турли хавф-хатардан бевосита огоҳлантириш мақсадида фуқаро муҳофазасининг огоҳлантириш сигналлари берилади: "ҳаво ҳужуми!", "Радиацион хавф!" ва ҳ.к.

Хабар бериш тизими марказлашган ва чекланган қуйитизимларга бўлинади.

Марказлашган хабар бериш тизими деганда тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар даврида фуқаро муҳофазасига масъул ходимларга ҳамда республика аҳолисига сигнал ва керакли ахборотларни тезликда етказиб беришга мўлжалланган техник воситалар, алоқа канали, радио ва телевидение мажмуаси тушунилади. Марказлашган билдириш тизими республика, вилоят, туман, шаҳар, иншоот миқёсида тузилади. Аҳолига марказлашган ҳолда хабар бериш тизимининг махсус жиҳозланган техник воситалари Фавкулудда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармалари тасарруфида бўлади. Бу техник воситалар қоида бўйича Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги корхоналарида жойлаштирилади. Хабар бериш аппаратлари фавкулудда вазиятлар шаҳар (туман) бўлимларида ўрнатилади. Агарда бундай бўлимлар мавжуд бўлмаса кечаю-кундуз тезкор навбатчилик ташкил қилинган жойларга ўрнатилади. Марказлашган хабар бериш тизими сиренанинг овози шаҳар, туман, вилоятнинг барча аҳолиси этиборини жалб қилиш имкониятига эгалиги; уни ҳам тинчлик даврида - табиий офат, авариялар содир бўлганда, ҳам ҳарбий даврда қўллаш мумкинлиги; алоқа ва радио тармоқлари орқали оғзаки ахборотлар олиш имкониятига эгалиги билан қулай саналади.

Хабар беришнинг чекланган (локал) тизимлари. Ҳалокатли сув босиш эҳтимоли бор ҳудудларда, атом энергетикаси объектлари ва кимёвий хавфли объектлар турган жойлашда аҳолига тезроқ хабар бериш учун, айниқса Чернобил воқеасидан кейин, билдириш локал тизимлари яратиш масаласига алоҳида эътибор бериладиган бўлди. Бундай тизимлар ёрдамида авария содир бўлган объектдаги ишчи хизматчиларгагина эмас, балки заҳарланиш, вайрон бўлиш ёки ҳалокатли сув босиш эҳтимоли бор ҳудудга тушиб қоладиган аҳолига ҳам вақтида хабар бериш мумкин бўлади.

Локал тизимлар одатда, сигнал берувчи қурилмалар(датчиклар)дан бошланади. Улар кимё иншоотларга "тўғонлар корпусига ўрнатиб қўйилади. Сигнал датчиклардан навбатчи диспетчерга тушади, у иншоотда рўй берган фавкулудда вазият ҳақида П-164 бошқариш пулти электрон қурилмали иншоотдаги циркуляр чақириш қурилмалари ва П-164-П узатгич (передатчик) орқали телефонлар ва радиокарнайлар орқали эълон қилади.

П-164-П узатгич зарарланиш (сув босиш) эҳтимоли бор ҳудудда яшаб турган аҳолига хабар беришнинг локал тизими П-160 аппаратини улаб, радиотрансляция каналларини, электр сиреналарини ва кўчадаги радиокарнайларни ишга туширади.

Аҳолини фавкулудда вазиятлардан огоҳлантиришда хабар бериш аҳолига тушунарли, аввалдан белгиланган шартли сигналлардан (сирена овози, корхона ва муассасалардан бериладиган сигналлар) бошланади.

Алоқа воситалари ва хабар бериш усуллари аввалдан режалаштирилган ва ташкил қилинган бўлиши керак. Фуқаро муҳофазаси тадбирларини ўтказишнинг барча режимларида алоқа ва хабар бериш воситалари асосий ўринни эгаллайди. Ҳар қандай хавф-хатар ҳолатида электр сиреналари ишга туширилади. Уларга корхоналарнинг узук-узук гудоклари жўр бўлади. Фуқаро муҳофазасининг «Диққат барчага!» деган янги сигнали ана шу.

Ҳужум хавфи вақтида ҳаракатланиш. Халқаро шароитларда ва уруш хавфи бўлса, аҳоли ҳукумат қарорига мувофиқ ҳужум хавфи тўғрисида огоҳлантирилади. Мамлакат аҳолисини огоҳлантириш маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқаро муҳофааси радио узатиш тармоқлари, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади.

Радиоузатиш тармоқлари орқали бундай хавф тўғрисида хабар олгач, радиоприёмниклар доимо янги хабарларни олиш ва фуқаро муҳофазаси огоҳлантириш сигналларини эшитиш мақсадида ёқилган ҳолда туриши зарур.

Кўчма алоқа воситалари сифатида автомобиллар, мотоцикллар, вертолётлар ва югурдаклардан фойдаланилади.

Ҳозирги шароитда қарши ҳужум давомийлигини аниқлаш жуда мушкул. Бу давр бир неча кунга чўзилиши мумкин. Шу боис, қисқа вақт ичида ҳужум хавфи сезилиши билан тез ва аниқ ҳаракатланиш зарур. Бундай шароитда ҳар бир фуқародан юқори тайёргарлик ва ташкилотчилик, мақсадга йўналтирилган ҳаракат, мустақил қарор қабул қилиш талаб этилади. Қисқа вақт ичида ўзингизни ҳимоя қилишингиз, оила аъзоларингизга ёрдамлашишингиз, ўқув юрти ёки аҳоли пунктларида тайёргарлик ишларида иштирок этиш зарур.

Қарши ҳужум хавфи вақтида қатор тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш лозим. Яқин жойдаги бошпана ва унга бориш йўлини дарҳол аниқлаш керак.

Ўқув юрти ёки бошқа шароитлар яратилган жойларда дарҳол яқин ҳимояланиш воситалари, тиббий ҳимоя воситаларини олиш ва уларни фойдаланишга тайёрлаш зарур. Уйда ва таълим муассасасида хоналарни герметизациялаш ишларида, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларни ва ичимлик сувини радиоактив моддалар ва заҳарловчи моддалардан муҳофаза қилишда иштирок этиш.

Ёнғиндан ҳимояланиш мақсадида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказилади. Шу билан бир вақтда ҳимоя иншоотлари (панажой, радиацияга қарши муҳофаза иншооти) аҳолини қабул қилишга тайёрланади.

Фавқулодда вазият хавфи туғилганда ва содир бўлганда хавф даражасини кўрсатадиган иккита билдириш режими белгиланган:

1. Юқори тайёргарлик режими.
2. Фавқулодда режим.

Бундай ҳолларнинг ҳаммасида ҳокимиятларга, тузилмаларга, ҳуқуқ-тартибот органлари(ИИ, прокуратура)га, тиббий хизматга, ёнғин хавфсизлиги хизмати ва давлат кузатиш хизмати хабар берилади.

Ахборот манбалари (датчиклар) бевосита кўчки (сел) хавфи бор жойларга ўрнатилади. Ахборот кузатиш постига келади, кузатиш пости навбатчиси телефонда маҳаллий ҳокимиятлар ва хавф остидаги муассасаларнинг бевосита ўзини хабардор қилади, шунингдек сиреналарни ва ёруғлик сигналларини ишлатиб юборади. Шу билан бир вақтда кузатиш станцияси навбатчисига рўй берган ҳодиса ҳақида ахборот беради, туман фавқулодда вазиятлар бўлимини, туман ҳокимиятини, Ички ишлар бошқармаларини, прокуратура, тиббий хизматни, ёнғинга қарши кураш хизматини ва давлат кузатиш хизматини хабардор қилади.

"Ҳаво ҳужуми!" сигнали барча аҳолига берилади. Телевизор ёки радиотрансляция тармоқлари орқали қуйидагича матн берилади: «Дикқат! Дикқат! Фуқаролар! Ҳаво ҳужуми! Ҳаво ҳужуми!». Бу билан бир вақтда сирена товуши ва бошқа воситалар ҳам жўр бўлади.

Ушбу сигналдан сўнг турли объектларда иш, транспорт воситалари тўхтатилиб, аҳоли ҳимоя қурilmаларига яширинади. "Ҳаво ҳужуми!" сигнали инсонлар ҳаётига ҳар қандай жойда ва қутилмаган вақтда хавф туғдириши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда фикрингизни жамлаб, тез ҳаракат қилиш, тушкунликка тушмаслик зарур. Сигнал бўйича қатъий тартибда ўзини тутиш қоидаларга амал қилган ҳолда ҳаракатланиш инсонларнинг нобуд бўлишини маълум даражада камайтиришда аҳамияти камайтиришига.

"Радиациявий хавф!" сигнали аҳоли яшаш жойида радиоактив зарарланиш хавфи вужудга келган вақтда берилади. У аҳолига маҳаллий радио ва телевидение тармоқлари орқали берилади. Сигнални эшитгач, ҳар бир фуқаро қуйидагиларни амалга ошириши зарур:

- респираторни кийиш (пахта-докали боғич), газниқобни гайёрлаш ва шунингдек, тери ҳимоя воситаларини кийиш;

- олдиндан тайёрланган озиқ-овқат ва сув захираларини, гиббиёт воситаларини, хужжатларни олиш ва бошпана ёки радиацияга қарши бошпаналарга яшириниш зарур.

"Кимёвий хавф!" сигнали кимёвий ёки бактериологик заҳарланиш хавфи вужудга келганда берилади. Ушбу сигналдан сўнг дарҳол:

- газниқоб кийиш, зарур ҳолларда тери ҳимоя воситаларини ҳам кийиш лозим;
- дастлабки имкониятлардаёқ, ҳимоя қурилмаларига яшириниш керак;
- агар ҳимоя иншооти яқинида бўлмасангиз, аэрозол заҳарловчи моддалар ва бактериал воситалардан сақланиш мақсадида яшаш жойларига, ишлаб чиқариш ва бошқа иншоотларга яшириниш мумкин.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан ўз вақтида огоҳ этиш, юзага келадиган хавф миқдорини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, юзага келган ҳолатдан аҳолини тез ва тўлиқ хабардор қилиш улар хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шarti саналади. Аҳолини огоҳлантиришнинг асосий усуллари турли фавқулодда вазиятларда хабарларни алоқа узатиш тармоқлари, шунингдек, маҳаллий радиостанциялар телевидениелар орқали узатиш ҳисобланади.

Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Сизнинг шахрингизда аҳолини хавфдан огоҳлантириш қандай амалга оширилади?
2. Аҳолини фавқулодда вазиятлардан огоҳлантиришнинг қандай воситалари мавжуд?
3. Аҳолини фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш усуллари ҳақида гапириб беринг?
4. Турли фавқулодда вазиятларда аҳолини огоҳлантириш тартиби ҳақида гапириб беринг?
5. Аҳоли яшаш пунктида радиоактив зарарланиш хавфидан огоҳлантириш тўғрисида оғзаки ахборот тайёрланг?
6. Аҳолини эвакуация қилишнинг қандай усул ва воситалари мавжуд?

Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофазалашнинг ҳуқуқий таъминланиши.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
3. Фавқулодда вазиятлардан муҳофазалаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари.
4. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
5. Шу соҳага оид давлат стандартлари.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР: *ҳуқуқий-меъёрий асослар Президент Фармонлари, Олий Мажлис ваколатлари, фуқарй муҳофазаси, ВМ қарорлари, Давлат стандартлари.*

I

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофазалашнинг ҳуқуқий таъминланиши.

Мамлакатимиз фуқаролари ва ҳудудини ҳар томонлама ҳимоялаш, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор фармойишлар, қонунлар, қарорлар ишлаб чиқилган. Фуқароларнинг ҳуқуқий меъёрларга риоя этиши қонун олдидаги ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаши демократик фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятини белгилайди.

Республикаимиз аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ўзига хос ҳуқуқий-меъёрий асослари мавжуд. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фавқулодда вазиятлар эазирлигининг кўрсатма ва буйруқларидан иборат.

Асосий Қомусимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий мазмунини ҳам инсон, унинг кадр-қиммати, саломатлигини сақлаш, ҳуқуқий жиҳатдан

ҳимоялаш, юртимиз тинчлигини таъминлаш масалалари ташкил этади.. Инсоннинг ҳаёти, яшашга бўлган ҳуқуқи Конституция билан муҳофаза қилинади.

Асосий қомусимизда хавфсизлик, фуқаролар муҳофазаси масалаларига ҳам ўрин берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида шундай дейилади: Ўзбекистон Республикаси Президенти фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, габиий офат, эпидемия) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади.

Олий Мажлисининг ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради (78-модда).

Маҳаллий ҳокимият органларининг Конституциямиз томонидан белгиланган вазифалари қаторига жумладан қуйидагилар киради:

Қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳосил қилиш.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш (100 - модда). Бу вазифаларни самарали амалга ошириш учун муҳофазанинг қонуний, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, муҳандислик-техник, махсус асосларига эга бўлишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил мартдаги ПФ-1378 Фармонида асосан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди.

Ушбу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аҳоли ва ҳудудларни турли тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, содир бўлган тақдирда оқибатларини бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларини муҳофаза қилиш, шунингдек тинчлик ва ҳарбий даврда фавқулодда вазиятлар вужудга келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазирлиқнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.

Аҳоли ва халқ ҳўжалиги объектларини муҳофаза этишни таъминлашга раҳбарлик қилиш республикада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Фавқулодда вазиятлар вазирлига юклатилди. Фармоннинг ушбу бандига Ўзбекистон Республикаси *Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги ПФ-2153 Фармони* билан ўзгартириш киритилди. Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва халқ ҳўжалиги объектларини муҳофаза этишни таъминлашга раҳбар этиб, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирли белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарларда, туманларда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимлари; вазирлиқлар, идоралар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда вазирлар, давлат қўмиталари ва уюшмалар бошқарувлари раислари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг директор ва бошлиқлари аҳоли ва халқ ҳўжалиги объектларини муҳофаза этишга раҳбар этиб тайинландилар.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

Республикаимиз Президенти томонидан амалга оширилаётган тадбирларнинг барчасида халқ манфаати, инсон қадрияти энг олдинги ўриндадир.

Сўнгги йилларда Олий Мажлис томонидан янги асрда аҳолининг хавфсизлигини кафолатловчи, фуқаролар масъулияти ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий заминини белгиловчи бир нечта қонунлар қабул қилинди. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида», «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида», «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишини (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»,

«Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида», «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида», «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Юқорида санаб ўтилган қонунлар ичида 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу қонун аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишини олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишни мақсад қилиб қўяди.

Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча даражадаги органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари, мақсадлари, вазифалари ва усуллари аниқланиб, мустаҳкамлаб қўйилган.

1 - бўлим «Умумий қоидалар» деб номланиб ўз ичига 1-5 моддаларни олади. Уларда қонуннинг асосий мақсади, фавқулодда вазиятлар бўйича асосий тушунчалар, қонун ҳужжатлари, муҳофазанинг асосий тамойиллари ва ахборот қандай бўлиши лозимлиги кўрсатиб берилган.

II бўлимда - «Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни таъминлаш тизими» (6—14-моддалар) - муҳофаза тизимини ташкил этувчи органлар, уларнинг вазифалари ҳақида сўз юритилади. Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва ундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими, Вазирлар Маҳкамаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, вазирликлар идоралар, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мажбуриятлари белгилаб берилган, илк бор фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмаларининг иштироки кўрсатилган.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқаруви органи Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вазифалари 8-моддада келтирилган:

- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларда аҳоли ҳаёти ва соғлиғини, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш, шунингдек, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш ва зарарни камайтириш юзасидан чоралар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

- аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида махсус дастурлар ишлаб чиқиши ва илмий тадқиқотлар амалга оширилишини ташкил этади;

- ўз ваколати доирасида вазирлик ва идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади;

- бошқарув органларининг, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш кучлари ва воситаларининг фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёр бўлишини ташкил этади;

- фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситалари бошқарувини амалга оширади, бошқарув пунктлари, хабар бериш ва алоқа тизимларини тузади;

- фавқулодда вазиятлар шароитида авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар ўтказилишини ташкил этади;

- аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар бўйича лойиҳалар, қарорлар юзасидан давлат экспертизаси ўтказилишида иштирок этади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

«Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланувчи III бўлим қонуннинг асосий бўлими ҳисобланади. Бу бўлимда шахс, жамият ва давлат манфаатлари узвий бирликда кўриб чиқилган.

Қонуннинг IУ-бўлимида (20-25-моддалар) фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун зарур бўлган куч ва воситалар, фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналар чегараси, кўшимча куч ва воситаларни олиш масалалари ёритилган.

«Яқунловчи қоидалар» деб номланувчи V бўлим молиявий ва моддий ресурсларнинг заҳираларини барпо этиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди. Бу ерда шунингдек аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунни бузганлик учун ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар жавобгар бўлишлари таъкиддаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 26 майда қабул қилинган «*Фуқаро муҳофазаси тўғрисида*»ги қонун ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш даври масалаларига бағишланган. Ушбу қонун фуқаро муҳофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини белгилайди.

Қонун V бўлим ва 23 моддадан иборат. I бўлими «Умумий қоидалар» деб номланиб, бешта моддани ўз ичига олади. Бу моддаларда фуқаро муҳофазасининг асосий тушунчалари, вазифалари, қонун ҳужжатлари, ушбу қонунни бузганлик учун жавобгарлик ва халқаро ҳамкорлик тўғрисида маълумотлар берилган.

Фуқаро муҳофазаси - ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ва ҳудудларни, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аҳолини ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимояланиш усуллариغا ўргатиш;
- объектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усуллариغا тайёрлаш;
- бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;
- халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш;
- аҳолини, моддий ва маданий бойликларини хавфсиз жойларга эвакуация қилиш;
- фуқаро муҳофазаси ҳарбий тузилмаларининг шайлигини таъминлаш;
- аҳолини умумий ва яқка муҳофазаланиш воситалари билан таъминлаш тадбирларини ўтказиш;
- аҳолининг ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтидаги ёки шу ҳаракатлар оқибатидаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш;
- радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш;
- қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш;
- ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида зарар кўрган ҳудудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш;
- аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш.

«Фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, давлат органлари ва ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари» деб номланган II бўлимнинг асосий мақсади фуқаро муҳофазасига раҳбарликни амалга оширувчи фуқаро муҳофазаси соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари,

ташкilotлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари нималардан иборат деган саволларга жавоб беришдан иборат.

Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги фуқароларнинг ҳуқуқ мажбуриятлари III бўлимда келтирилган. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун фуқаро муҳофазаси соҳасида етарли билимга эга бўлишлари зарур. Шу сабабли ҳам уларни фуқаро муҳофазаси соҳасида ўргатиш 16-модда билан умумий ва мажбурий деб белгилаб қўйилган.

IV бўлим - «Фуқаро муҳофазаси хизматлари ва кучлари-фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш учун зарур хизматлар ва кучлар, тузилмаларнинг таркибини аниқлаб беради.

Ва ниҳоят, V бўлим «Фуқаро муҳофазасини молиявий таъминлаш. Фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулки» деб номланган. Бу бўлимда фуқаро муҳофазасини молиялаш, фуқаро муҳофазаси қўшинларининг асосий фондлари, объектлари ва мол-мулки масаласи кўриб чиқилган.

Маълумки, республикамызда мавжуд бўлган гидротехника иншоотларида авария, ҳалокат юз бергудек бўлса, аҳоли ва ҳудудларимизга маълум миқдорда хавф туғдириши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида қабул қилинган қонунлардан бири «*Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида*» деб номланди.

Қонун 15 моддадан иборат. Ушбу қонуннинг мақсади гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, уларни реконструкция қилиш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунда гидротехника иншоотлари, фойдаланувчи ташкilot, фавқулодда вазият, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги, хавфсизлик декларацияси, хавфсизлик мезонлари, гидротехника иншооти авария хавфининг йўл қўйиладиган даржаси каби тушунчаларга таъриф берилган. Бундан ташқари қонунда Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари кўрсатиб берилган, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назорати ҳақида сўз юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 31 августда «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади радиациявий хавфсизликни, фуқаролар ҳаёти, соғлиги ва мол-мулки, шунингдек атроф муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни тартибга солишдан иборат.

Қонун 5 бўлим ва 28 моддадан иборат бўлиб, уларда асосий тушунчаларга таърифлар берилган, уларда асосий тушунчаларга таърифлар берилган, радиациявий хавфсизликни тартибга солиш, радиациявий хавфсизликни таъминлашга қўйиладиган талаблар, радиациявий авария содир бўлганда хавфсизликни таъминлаш каби масалалар кўриб чиқилган.

Республикамыз аҳолисини террористик ҳаракатлардан муҳофазасини таъминлаш мақсадида 2000 йил 15 декабрда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Қонуннинг мақсади терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, асосий вазифалари этиб, шахс, жамият ва давлатнинг суверинитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини сақлашдан иборат.

Қонун «Умумий қоидалар», «Давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари», «Террорчиликка қарши операцияни ўтказилиши», «Террорчилик оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси», «Терроризмга қарши курашда иштироқ этаётган шахсларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси» номли 5 бўлимдан иборат бўлиб, 31 моддани ўз ичига олади.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасига доир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

Республикаимиз ҳукумати томонидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топган кундан эътиборан аҳоли хавфсизлигини кафолатловчи, фуқаролар масъулияти ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий заминини белгиловчи бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилиндики, улар ўз навбатида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни ойдинлаштириб беришга қаратилгандир. Бу ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирининг ҳар ўқув йилига қабул қиладиган ташкилий кўрсатмалари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелда қабул қилинган 143 – сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги, қарорида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси тўғрисида сўз юритилган.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар туфайли вужудга келган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги ишларга раҳбарликни ҳамда уларни мувофиқлаштириб бориш ишларини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Вазирлик таркибида Вазир (хайъат раиси), лавозими бўйича вазир ўринбосарлари, вазирликнинг ҳамда унга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек бошқа вазирликлар ва идораларнинг раҳбар ходимлари бўлган 9 кишидан иборат хайъат тузилган. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ваколатига киритилган муҳим муаммоларга оид тавсияномаларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун илмий техника кенгаши ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрда қабул қилинган 558-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) тўғрисида”ги қарори. ФВДТ бошқарув органлари, Республика ва маҳаллий ҳокимият органларини, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган корхоналар ва муассасаларнинг куч ва воситаларини бирлаштиради ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги тадбирларни ташкил этиш, амалга ошириш, улар юзага келганда аҳоли хавфсизлигини, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда тинчлик ва ҳарбий даврда давлат иқтисодиётига зарарни камайтиришни таъминлашга мўлжалланган.

Қарорда ФВДТнинг вазифалари, таркибий тузилмаси, ФВДТ раҳбар ва кундалик бошқарув органлари, куч ва воситалари, молиявий ва моддий ресурслар захиралари, хабар бериш, алоқа бошқарув тизимлари, фаолият режимлари кенг, аниқ ва равшан ёритиб берилган. ФВДТ бошқарув органларининг республика, маҳаллий ва объектлар даражасидаги вазифалари белгиланган. Қарорга ФВДТ функционал қуйи тизимини ташкил этувчи вазирлик ва идоралар рўйхати илова қилинган бўлиб, улардан ҳар бирининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифалари келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 455-сонли *«Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»*ги қарори мамлакатимиз ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган барча фавқулодда вазиятлар келиб чиқиш характери ва ўлчамларига кўра таснифлаб берилган.

Аҳолини ва раҳбарлар таркибини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрда қабул қилинган *«Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»* ги 427-сонли қарорида баён қилиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 12 апрелда қабул қилган *«Тошқин, сел оқимларини оқизиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари*

*тўғрисида»*ги 201-сонли қарорида сел, тошқин, ўпирилиш ва кўчкилар туфайли юзага келадиган фавқулодда вазиятларнинг талофотсиз бартараф этишга оид масалалар ёритилган. Бундай хусусиятли фавқулодда вазиятлар ҳар йили такрорланиб тургани боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу мазмунда бир қатор қарорлар қабул қилган. 2001 йил 16 мартдаги 132-сонли ва 2002 йил 26 мартдаги 96-сонли, 2003 йил 7 мартдаги 124-сонли қарорлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 январда қабул қилган 32-сонли «*Ўзбекистон Республикасида одамлар ва ҳайвонларнинг қутуриш касаллигига қарши курашни хучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги қарори ушбу мақсадларда самарадорликни ошириш, шунингдек аҳоли. яшаш жойларида ит, мушук ва бошқа уй ҳайвонларини сақлашни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган.

Қаровсиз қолган ит, мушук ва бошқа ҳайвонларни тутиш ҳамда қириб ташлаш ва уларни тайёрлов ташкилотларига фойдаланиш учун етказиб бериш вазифаси шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг жойлардаги корхоналарига, қишлоқ жойларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, унинг ветеринария хизмати органларига, ўзини-ўзи бошқаришнинг маҳалла, овул ва шаҳарча органлари (фуқаролар йиғини)га юклатилади.

Давлат стандартлари

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва халқ хўжалиги объектларини табиий ҳамда техноген хусусиятли турли ҳалокатлардан муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлари орасида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Мана шундай муҳим ҳужжатлардан бири Давлат стандартлари ҳисобланади. Давлат стандартлари ташкилотлар, муассасалар, идоралар, илмий даргоҳларда иш юритиш, амалда қўллаш бўйича фавқулодда вазиятларнинг ягона тизимига асос яратади. Фуқаро муҳофазаси институти ходимлари томонидан бир нечта стандартлар тайёрланган:

1. “Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари” (O'z Dst 981 : 2000).
2. “Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Табиий фавқулодда вазиятлар. Атамалар ва таърифлар” (O'z Dst 982 : 2000).
3. “Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Техноген фавқулодда вазиятлар. Атамалар ва таърифлар” (O'z Dst 1014 : 2002).
4. “Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш. Атамалар ва таърифлар” (O'z Dst 1015 : 2002).
5. “Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш. Асосий қоидалар” (O'z Dst 1016 : 2002).
6. “Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Техноген фавқулодда вазиятлар манбалари. Шикастловчи омиллар ва улар кўрсаткичларининг таснифи ва номенклатураси» (O'z Dst 1017 : 2002).
7. “Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Табиий фавқулодда вазиятлар манбалари. Шикастловчи омиллар. Шикастловчи таъсир кўрсаткичларининг номенклатураси» (O'z Dst 1018 : 2002).

Барча давлат ва нодавлат ташкилотлари жорий ҳужжатларини ишлаб чиқилган стандарт талаблари асосида мувофиқлаштиришлари ва уларга таяниб иш юритишлари талаб қилинади.

Шундай қилиб, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда фуқаро муҳофазасининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ҳужжатлар билан танишиб чиқдик. Бу ҳужжатлар талабларини чуқур билмасдан туриб фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини самарали амалга ошириб бўлмайди. Ҳар бир раҳбар ходим, ҳар бир фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассис бу ҳужжатларни билиб, ўрганибгина қолмай, зарур

бўлган вазиятларда улардан келиб чиқадиган талабларни амалда қўллай билиши ҳам лозимдир.

Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг қонуний асосларини қандай меъёрий ҳужжатлар ташкил этади? 2. Конституцияда республикамиз аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш қандай таъминланган? 3. "Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармони қачон қабул қилинди? 4. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофазасига оид Ўзбекистон Республикаси қонунларини айтиб беринг? 5. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасига оид Вазирлар Маҳкамасининг қандай қарорлари қабул қилинган? 6. Фавқулодда вазиятларга оид қандай давлат стандартлари ишлаб чиқилган ва улар нима учун хизмат қилади?

Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун топшириқлар

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан танишиш.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиб чиқинг. Республикамиз аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга оид бандларини топинг ва ёзинг.

2. "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (меъёрий ҳужжатлар тўплами)"ни таҳлил қилинг.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги 1996 йил 4 март №ПФ-1378 сонли ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги 1998 йил №Пф-2153 сонли Фармонларининг аҳамияти ҳақида маълумот келтиринг.

4. "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (меъёрий ҳужжатлар тўплами)"да келтирилган Республикамиз аҳоли ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳақида маълумот тайёрланг.

5. "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (меъёрий ҳужжатлар тўплами)"да келтирилган Республикамиз аҳоли ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари рўйхатини тузиб чиқинг ва улар ҳақида қичқача маълумот тайёрланг.

6. Фавқулодда вазиятларга оид қабул қилинган Давлат стандартлари ҳақида маълумот беринг.

Фавқулодда вазиятларда аҳоли ва ҳудудлар муҳофазаси.


Режа:

1. Фавқулодда вазиятларда аҳоли ва ҳудудларни муҳофазалаш тадбирлари.
2. Муҳофаза усуллари.
3. Аҳолининг муҳофазаланиш воситалари.
4. Зарарсизлантириш турлари ва усуллари.
5. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш куч ва воситалари.

Фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофазалаш тадбирлари.

Республикамиз аҳолиси ва ҳудудларини турли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда бир неча тадбирлар мажмуи амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг тадбирлар мажмуи қуйидагилардан иборат; ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, муҳандислик-техник ва махсус муҳофаза тадбирлари.



↓

1-схема. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуи.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳукукий тадбирлари мажмуини республикаимиз аҳоли ва ҳудудларини муҳофазалашнинг қонуний асослари; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фавқулодда вазиятлар вазирлиги, шунингдек тегишли ташкилотларнинг буйруқлари ташкил этади.

Ташкилий тадбирлар мажмуи аҳоли ва ҳудудларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар, турли фавқулодда вазиятларни олдини олиш, бартараф этиш, аҳолини ҳаракатланишга тайёрлаш каби тадбирлардан иборат.

Ахборот тадбирлари мажмуини турли оммавий ахборот воситалари, интернет маълумотлари орқали жаҳонда ва республикаимизда содир бўлаётган фавқулодда вазиятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари, хавфи тўғрисидаги маълумотлар орқали аҳолини хабардор қилиб бориш; вужудга келиши мумкин бўлган фавқулодда вазият, унга қарши муҳофаза тадбирлари, ҳаракатланиш қоидалари, эвакуация тадбирларига оид маълумотлардан аҳолини хабардор қилиш; ахборот узатиш каби тадбирлар ташкил этади.

Ижтимоий-иқтисодий тадбирлар мажмуини аҳоли ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашга қаратилган чора-тадбирлар, фавқулодда вазиятлар юзага келганда уларнинг хавфини бартараф этиш, аҳолини моддий таъминлаш, иқтисодий жиҳатдан кўрилган зарарни қоплаш ва бошқалар ташкил этади.

Мухандислик-техник тадбирлар мажмуини аҳоли ва ҳудудларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофазалаш мақсадида қурилиш конструкторлик ишлари, биноларнинг фавқулодда вазиятларга бардошлигини таъминлаш, аҳолини фавқулодда вазиятлар хавфидан ҳимоялаш воситаларини барпо этиш каби тадбирлар ташкил этади.

Махсус тадбирлар мажмуини аҳоли ва ҳудудлар муҳофазасини таъминлашга қаратилган куч ва воситалари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг тайёргарлигини кучайтиришга қаратилган, улар устида мутассил олиб бориладиган тадбирлар ташкил этади.

Муҳофаза усуллари. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш асосий усуллари қуйидагича; ФВ майдонидан эвакуация, шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш, жамоа муҳофаза воситаларидан фойдаланиш, авария-қутқарув ва бошқа шошилинч ишлар, тиббий муҳофаза тадбирлари, аҳоли ҳаёт фаолиятини таъминлашдан иборат.

Замонавий шароитларда аҳоли ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш маълум усулларда амалга оширилади. Уларнинг асосийлари:

- аҳолини зарурати бўлганда яшириниш учун ишлаб чиқариш, жамоат, турар жойларда ва шунингдек, махсус ҳимоя иншоотларида жамоа муҳофаза воситаларидан фойдаланиш;
- ҳолини зарурати бўлганда яшириниш учун ишлаб чиқариш, жамоат, турар жойларда ва шунингдек, махсус ҳимоя иншоотларида жамоа муҳофаза

воситаларидан фойдаланиш;

- [illegible]

[illegible]

- [illegible]

○ нингдек, махсус ҳимоя иншоотларида жамоа муҳофаза воситаларидан фойдаланиш;

○ нгдек, махсус ҳимоя иншоотларида жамoa муҳофаза воситаларидан фойдаланиш;

○ гдек, махсус ҳимоя иншоотларида жамoa муҳофаза воситаларидан фойдаланиш;

○ дек, махсус ҳимоя иншоотларида жамoa муҳофаза воситаларидан фойдаланиш;

○ ек, махсус ҳимоя иншоотларида жамоа муҳофаза воситаларидан фойдаланиш;

○ к, махсус ҳимоя иншоотларида жамоа муҳофаза воситаларидан фойдаланиш;

- 18

- воситаларидан фойдаланиш;
 - оситаларидан фойдаланиш;
 - ситаларидан фойдаланиш;
 - италаридан фойдаланиш;
 - таларидан фойдаланиш;
 - аларидан фойдаланиш;
 - ларидан фойдаланиш;
 - аридан фойдаланиш;
 - ридан фойдаланиш;
 - идан фойдаланиш;
 - дан фойдаланиш;
 - ан фойдаланиш;
 - н фойдаланиш;
- фойдаланиш;
 - ойдаланиш;
 - йдаланиш;
 - даланиш;
 - аланиш;
 - ланиш;
 - аниш;
 - ниш;
 - иш;
 - ш;
 - ;
- фавқулодда вазият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- авқулодда вазият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- вқулодда вазият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- қулодда вазият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- улодда вазият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- лодда вазият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- одда вазият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- дда вазият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- да вазият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- а вазият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- вазият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- азият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- зият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- ият зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- ят зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- т зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- зонасидан аҳолини эвакуация қилиш
- онасидан аҳолини эвакуация қилиш
- насидан аҳолини эвакуация қилиш
- асидан аҳолини эвакуация қилиш
- сидан аҳолини эвакуация қилиш
- идан аҳолини эвакуация қилиш
- дан аҳолини эвакуация қилиш
- ан аҳолини эвакуация қилиш
- н аҳолини эвакуация қилиш
- аҳолини эвакуация қилиш

- холини эвакуация қилиш
 - олини эвакуация қилиш
 - лини эвакуация қилиш
 - ини эвакуация қилиш
 - ни эвакуация қилиш
 - и эвакуация қилиш
 - эвакуация қилиш
 - вакуация қилиш
 - акуация қилиш
 - куация қилиш
 - уация қилиш
 - ация қилиш
 - ция қилиш
 - ия қилиш
 - я қилиш
 - қилиш
 - илиш
 - лиш
 - иш
 - ш
-
- шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш;
 - ахсий химоя воситаларидан фойдаланиш;
 - хсий химоя воситаларидан фойдаланиш;
 - сий химоя воситаларидан фойдаланиш;
 - ий химоя воситаларидан фойдаланиш;
 - й химоя воситаларидан фойдаланиш;
 - химоя воситаларидан фойдаланиш;
 - имоя воситаларидан фойдаланиш;
 - моя воситаларидан фойдаланиш;
 - оя воситаларидан фойдаланиш;
 - я воситаларидан фойдаланиш;
 - воситаларидан фойдаланиш;
 - оситаларидан фойдаланиш;
 - ситаларидан фойдаланиш;
 - италаридан фойдаланиш;
 - таларидан фойдаланиш;
 - аларидан фойдаланиш;
 - ларидан фойдаланиш;
 - аридан фойдаланиш;
 - ридан фойдаланиш;
 - идан фойдаланиш;
 - дан фойдаланиш;
 - ан фойдаланиш;
 - н фойдаланиш;
 - фойдаланиш;
 - ойдаланиш;
 - йдаланиш;
 - даланиш;

- аланиш;
- ланиш;
- аниш;
- ниш;
- иш;
- ш;
- ;
- тиббий муҳофаза тадбирларини амалга ошириш;
- иббий муҳофаза тадбирларини амалга ошириш;
- ббий муҳофаза тадбирларини амалга ошириш;
- бий муҳофаза тадбирларини амалга ошириш;
- ий муҳофаза тадбирларини амалга ошириш;
- й муҳофаза тадбирларини амалга ошириш;
- муҳофаза тадбирларини амалга ошириш;
- уҳофаза тадбирларини амалга ошириш;
- ҳофаза тадбирларини амалга ошириш;
- офаза тадбирларини амалга ошириш;
- фаза тадбирларини амалга ошириш;
- аза тадбирларини амалга ошириш;
- за тадбирларини амалга ошириш;
- а тадбирларини амалга ошириш;
- тадбирларини амалга ошириш;
- адбирларини амалга ошириш;
- дбирларини амалга ошириш;
- бирларини амалга ошириш;
- ирларини амалга ошириш;
- рларини амалга ошириш;
- ларини амалга ошириш;
- арини амалга ошириш;
- рини амалга ошириш;
- ини амалга ошириш;
- ни амалга ошириш;
- и амалга ошириш;
- амалга ошириш;
- малга ошириш;
- алга ошириш;
- лга ошириш;
- га ошириш;
- а ошириш;
- ошириш;
- шириш;
- ириш;
- риш;
- иш;
- ш;
- ;
- авария қутқарув ва бошқа шошилиш ишлар.

- [illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

•

27

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

муҳофаза иншооти.
уҳофаза иншооти.
ҳофаза иншооти.
офаза иншооти.
фаза иншооти.
аза иншооти.
за иншооти.
а иншооти.
иншооти.
иншооти.
ншооти.
шооти.
ооти.
оти.
ти.
и.
.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]

ситаси ҳисобланади.
итаси ҳисобланади.
таси ҳисобланади.
аси ҳисобланади.
си ҳисобланади.
и ҳисобланади.
ҳисобланади.
ҳисобланади.
исобланади.
собланади.
обланади.
бланади.
ланади.
анади.
нади.
ади.
ди.
и.
.

Бошпаналарда узоқ вақт химояланиш.

ошпаналарда узоқ вақт химояланиш.
шпаналарда узоқ вақт химояланиш.
паналарда узоқ вақт химояланиш.
аналарда узоқ вақт химояланиш.
наларда узоқ вақт химояланиш.
аларда узоқ вақт химояланиш.
ларда узоқ вақт химояланиш.
арда узоқ вақт химояланиш.
рда узоқ вақт химояланиш.
да узоқ вақт химояланиш.
а узоқ вақт химояланиш.
узоқ вақт химояланиш.
узоқ вақт химояланиш.
зоқ вақт химояланиш.
оқ вақт химояланиш.
қ вақт химояланиш.
вақт химояланиш.
вақт химояланиш.
ақт химояланиш.
қт химояланиш.
т химояланиш.
химояланиш.
химояланиш.
имояланиш.
мояланиш.
ояланиш.
яланиш.
ланиш.


•

49

[illegible]

[illegible]

тлардан ҳам фойдаланилиши мумкин.
 лардан ҳам фойдаланилиши мумкин.
 ардан ҳам фойдаланилиши мумкин.
 рдан ҳам фойдаланилиши мумкин.
 дан ҳам фойдаланилиши мумкин.
 ан ҳам фойдаланилиши мумкин.
 н ҳам фойдаланилиши мумкин.
 ҳам фойдаланилиши мумкин.
 ҳам фойдаланилиши мумкин.
 ам фойдаланилиши мумкин.
 м фойдаланилиши мумкин.
 фойдаланилиши мумкин.
 фойдаланилиши мумкин.
 ойдаланилиши мумкин.
 йдаланилиши мумкин.
 даланилиши мумкин.
 аланилиши мумкин.
 ланилиши мумкин.
 анилиши мумкин.
 нилиши мумкин.
 илиши мумкин.
 лиши мумкин.
 иши мумкин.
 ши мумкин.
 и мумкин.
 мумкин.
 мумкин.
 умкин.
 мкин.
 кин.
 ин.
 н.
 .



1-расм. Бошпана режаси: 1-химоя-герметик эшиги; 2-жалюзли камералар; 3-санитар х,имоя хонаси; 4-одамлар ж о й л а ш а д и г а н а с о с и й ж о й; 5-авария вақтида зах,ира чиқиш йўлаги; 6-филтрловчи вентил қурилма; 7-тиббиёт хонаси; 8-озик-овқат омбори.

Бошпанада иккитадан кам эшик бўлмаслиги керак. Биринчи эшик (1) зарб тўлқинидан бузилиб кетмаслиги учун металлдан пишиқ ишланади, қолганлари эса газ ўтказмайдиган бўлиши зарур. Эшиклар зич ёпилиши учун четига резина ёпиштирилади.

Бу эшиклар орасида 2 та тамбур-йўлак ҳосил қилинади. Кириш эшикларидан ташқари, кириш жойлар — иморатлар қулаши натижасида беркилиб қолган ҳоллар учун захирадаги чиқиш жойи (5) ҳам бўлиши керак. Заҳира чиқиш жойлари ер тагидан ғишт, темир-бетон тешик (кувур) ва тепаси жуда пишиқ эшик билан беркитиладиган қудуқ шаклида ишланади.

Бошпанага ҳаво етарли бўлиши учун филтрловчи вентиляцион (6) қурилма ўрнатилади. Бошпана заҳира чиқариш жойига ёки ташқарига чиқадиган ҳаво тортувчи қувурдан, ҳавони радиоактив, захарли моддалардан, бактериологик воситалардан тозаловчи, ютувчи филтрлардан, электр билан ёки қўл билан ишлатиладиган ҳаво насосидан ва бошпананинг ҳар бир йўлагига ҳаво етказувчи қувурлардан иборат бўлади. Вентиляциясиз бошпаналар ҳам бўлиши мумкин, лекин бунда одамлар узоқ яшаши учун қийналади. Бошпананинг асосий хоналари бир нечтага бўлинади: одамларни жойлаштириш учун алоҳида хоналар, тиббиёт хонаси (7), озиқ-овқат омбори (8), РУв захираси хонаси ва хожатхона. Бошпана водопровод, канализация, телефон, радио, асбоблар (белкурак, чумич, болта ва б.) ўтга қарши асбоблар билан таъминланади. Шунингдек, ДП — 5 типдаги дозиметрик асбоб ва кимёвий назорат асбоблари ҳам бўлиши мумкин.


Бошпанадагилар орасидан комендант ва кундалик навбатчи тайинланади. Аҳоли бошпанага аҳоли муҳофазасининг "ҳавфли ҳужум", "Радиоактив зарарланиш хавфи" сигнали радиоактив, кимёвий бактериал зарарланиш ҳақидаги сигналлардан кейин киради.

"Ҳимоя иншоотларини беркитиш" сигналидан кейин герметик эшиклар беркитилади ва одамларнинг бошпанага кириши тўхтатилади. Бир оздан кейин филтрловчи вентиляцион қурилма ишга туширилади.

Бошпанада чекиш, шовқин солиш, шам ва лампа ёқиш, уй ҳайвонларини, купол буюмларни олиб кириш ман этилади. Шахсий ҳимоя воситаларини тайёр ҳолда тутиш керак. Радиация даражаси пасайиб, захарли моддалар (ЗМ) тўлиқ буғланиб бўлгандан кейин ёки ҳудуд зарарсизлантирилгандан кейин сигнал билан чиқаришга руҳсат этилади.

Тиббиёт хонасида тиббиёт хизмати (санитария постида) кўрсатилади, бошпананинг санитария ҳолатини ана шу пост назорат қилиб туради, беморларга ёки зарарланганларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

Радиациядан яшириниш жойи (РЯЖ): Аҳолини ионловчи нурланишнинг шикастловчи таъсиридан яширишга ва яшириниш жойидаги даврида унинг ҳаёт фаолиятини таъминлаб туришга мўлжалланган муҳофаза иншооти бўлиб (радиоактив зарарланишдан, ёруғлик нурланишидан ҳимоя қилади, зарб тўлқини таъсирини камайтиради, ядро портлашлари радиациясидан сақлайди. Бироқ, панажойлар герметик эмас, шунинг учун атмосфера радиоактив модда (РМ), захарли моддалар (ЗМ) ёки бактериологик воситалар билан зарарланганда ҳимоя воситаларидан фойдаланишга тўғри келади. Биноларнинг ертўлалари, ярим ертўлалардан панажой сифатида фойдаланиш мумкин. Ертўлаларни қайтадан ёпишлар деворнинг ердан чиқиб турган жойига қўшимча устунли тўсиқлар қўйилади. Кириш учун қўшимча эшик қурилади, туйнуклар, тешиклар, яхшилаб беркитилади. Ертўлаларнинг тепаси тупроқ (қум, майда шағал, шлак) билан 30-60 см. қалинликда қўшимча равишда беркитилади. Шамоллатиш учун ҳавони тортувчи қувур ёки оддий вентилятор ўрнатиш мумкин. Ҳаво тортувчи қувур олдида РМни тутиб қоладиган ютувчи филтр ўрнатилади. У қум, шлак, эски материаллар билан тўлдирилган қутидан иборат. Пана жойнинг ичига сўри ва ўриндиқлар ўрнатилади. Сув захираси тайёрланади. Бундан ташқари маҳаллий материаллардан фойдаланиб, темир-бетон плиталари ва қувурлардан, ёғоч, кумиш, қуруқ шохларнинг боғламларидан ва бошқа алоҳида жойлашган пана жойлар қурилади. Бундай пана жойлар 2 метрга яқин чуқурликдаги котлованга қурилади. Устидан 60-100 см. қалинликда тупроқ лой бостирилади. Пана жойга кириш учун битта ёки иккита тамбурли эшик ўрнатилади. Пана жойнинг ичи электр билан ёритилиши, иситиш воситалари билан таъминланиши, сўрилар ўрнатилиши, хожатхона бўлиши зарур. Қуйида панажойнинг кўриниши берилган.



2-расм. Ёпик панажой (улчамлари см. да).

Ертўла ва пана жойларга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари:

1. Ертўла ва пана жойлар тоза, санитария талаблари даражасида бўлиши шарт. Хар куни 1 % ли хлорамин эритмаси билан тозалаш, вақти-вақти билан тўла дезинфекция қилиш зарур.

Ертўла ва пана жойларда хавода карбонад ангидриди 1%дан ошмаслиги (3 % охирги чегара), хаво харорати 18-23° (31° гача), нисбий намлиги 70 % бўлиши керак.

Шахсий муҳофаза воситаси (ШМВ): Одамни ёки хайвонни радиоактив, хавфли кимёвий ва биологик моддалардан ҳамда уларнинг таъсиридан муҳофаза қилишга мўлжалланган предмет ёки предметлар гурухи.

Шахсий муҳофаза воситалари организмни, терини радиоактив захарли моддалар ва бактериал воситалардан химоя қилади. Шахсий муҳофаза воситалари икки гурухта бўлинади: 1) нафас органларини химоя қилиш воситалари (газникобни хар хил турлари, респиратор ва бошқалар); 2) терини химоя қилиш воситалари (химоя плашлари, костюмлари пайпоқ ва б.).

Нафас олиш органларини химоялаш воситалари. Нафас олиш органларини химоялаш учун фильтрловчи газникоблар, респираторлар ва оддий воситалар — пахта-докали боғичлар ва чангга қарши материалли маскалар қўлланилади (3-расм).

Газ никоб нафас олиш органларини, юз, кўзларни захарли моддалар, бактериал воситалардан химоя қилади. Газникобларнинг фильтрловчи ва айирувчи турлари бўлади.

Асосий фильтрловчи газникоблар ГП — 4у, ГП — 5, ДП б М аҳоли учун мўлжалланган, шунингдек қўшин газникобларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Нафас орқали олинадиган хаво радиоактив, захарли моддалар ва бактериал воситалардан филтраб тозаловчи қутича ва юзга тутиладиган қисми солинадиган халтадан иборат. Газ никоб қутичаси ғадир будир қилиб ишланган металл цилиндрдан иборат бўлиб қопқоғида найчасини бирлаштириш учун бурамали оғиз бор. Қутича ичида иккита тўр шаклида цилиндр бўлади. Катта цилиндрнинг ташқии томонига тутунга қарши фильтр ўрнатилади. Цилиндрлар орасида махсус кимёвий модда билан ишлов берилган фаоллаштирилган кўмир қатлами бўлади ва кичик цилиндрнинг ички юзасига чангга қарши фильтр ўрнатилади.

Тутун(дуд)га қарши фильтр хавони аэрозолдан тозалаш учун хизмат қилади, яъни радиоактив дудлардан, захарловчи дудлардан (аэрозол сифатида ишлатиладиган ЗМ-си-эс, адамсит, ВЗ ва бошқалар), бактериологик аэрозоллардан хаво тозалайди. Фаоллаштирилган кўмир, адсорбция кимёвий нейтраллаш усули билан захарловчи моддаларнинг буғларини ютиш учун мўлжалланган. Тутунга (дудга) қарши фильтр фаоллаштирилган кўмир чангининг бир қисмини тутиб қолиш учун хизмат қилади.

Газникобнинг юз қисми маска, ойна, энсага махкамлагич тасма тизими, клапан қутича ва бирлаштирувчи (қат-қат букланган) найчани қутича оғзи билан бирлаштирувчи қўшимча гайкадан иборат бўлади. Клапан қутичасида нафас олганда очиладиган битта клапан ва нафас чиқарганда очиладиган иккита клапан бор. Ойнани терлашдан сақлаш учун аввал "қалам" билан унинг ички юзасига чизилади. Сўнгра тоза бармоқ билан

суртилади.

ГП- 4у газниқобнинг маскаси 4 хил ўлчамда тайёрланади (ўлчами энгак қисмида кўрсатилади). Керакли ўлчамдаги газниқобни танлаб олиш учун чизғич билан юзнинг баландлиги энгакдан каншар ботиклигига ўлчанади.

Юз баландлиги	Маска улчами
99 - 109 мм гача	1
109-119 мм	2
119 дан юқориси	3

Газниқобни танлаб олгандан кейин маска кийилади ва пешона, чакка ва энгак тасмаларинининг боғичини суриб, маска юзга ўрнаштирилади. Газниқобни олгандан кейин унинг шикастланмаганлиги ва жипс турганлиги (хаво кирмаслиги) текшириб кўрилади.

ГП — 4У газниқобдан фойдаланиш қоидалари.. Газниқоб поход, тайёр ва жанговар халатда бўлиши мумкин. Поход ҳолатида газниқоб сумкада бўлади, сумка чап томонга осилади, маска клапан қутчаси пастга қаратилган ҳолда сумкага солинган бўлади. "Хаво хужуми" ёки "Радиоактив зарарланиш хавфи" сигнали берилганда газниқоб тайёр ҳолга келтирилади. Бунинг учун сумкани бир оз олдинга суриб, сумка клапани очилади, сумкадан тасмани бир оз олдинга суриб, белдан айлантириб олдинги халқасига боғлаб қўйилади. Жанговар ҳолатда газниқоб "Радиоактив захарланиш", "Кимёвий хужум", "Бактериал зарарланиш" сигналлари берилганда ёки мустақил равишда жойларнинг захарланганлиги сезиб қолинганда "Газлар" буйруғи берилганда жанговар ҳолатга келтирилади

Газниқобни тез ва тўғри кийиш керак: олдин бош кийим ечилади, икки тизза билан сумкани қисиб туриб, маска сумкадан олинади, юқориги ва орқа тасмалар икки қўл билан бош бармоқ ичга қаратилган ҳолда олинади, масканинг пастки-қисмини энгакка қўйиб, нафасни тўхтатиб, кўзни юмиб туриб маска юзга тортилади. Орқа тасма кулоқ орқасига ўтказилиб унинг бўш учлари маска юзда маҳкам тургунча тортилади: ойна кўзга тўғри бўлиши керак. Нафас чиқариб кийилади.

Айирувчи ёки изоляцияловчи газниқоб. Сув босган бошпана ва бинолардан тоза хаво етишмаслиги аниқланган жойларда қутқариш ишларини олиб борилганда, изоляцияловчи газниқобдан фойдаланиш керак бўлади. Бундай газниқобларни бир неча тури (КИП-5, ИП-46 ёки ИП- 46 М) бор. Айирувчи газниқобларнинг тузилиши: 1) қат-кат букланувчи найчали юз қисми; 2) натрий пероксид тўлдирилган регенератив патрон бўлиб, у кимёвий боғланган кислородни ажратиб, ажралиб чиқаётган хаводаги карбонад ангидрид ва сув буғларини ютади; 3) регенератив патроннинг уясига ўрнаштирилган ва қўшимча гайка билан мустаҳкамланган ишга туширувчи брикет ҳамда кислотали шиша ампуладан иборат ишга солувчи мослама; 4) нафас олиш учун резина халта; 5) дюралюминийдан ишланган каркас. Газниқоб сумкада олиб юрилади.

ИП-46 газниқобни жанговар ҳолатга келтириш учун ишга туширувчи брикет ва кислотали ампула чуқурчага жойланади ҳамда дастлабки кислород ажралиб чиқиши билан ишга туширувчи мосламанинг тугмачасини босиб, шлем-маска кийилади.

Нафас олиш органларини ва кўзни химоя қилишда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида, қишғлоқ хўжалигида турли захарли моддалардан химояланиш (газлар, буғлар, тугун, чанг туманлардан) мақсадида саноатда қўлланиладиган газниқоблардан фойдаланилади. Унинг аҳоли газниқобларидан асосий фарқи-фильтрловчи қутчасининг ташқи таъсирловчиларга қараб ихтисослаштирилган бўлишидир.


Нафас олиш органларини химоя қилишнинг оддий усуллари. Нафас олиш органларини ядрофаол чанглардан, захарли модданинг аэрозол зарраларидан ва бактериал аэрозоллардан химоя қилиш учун респираторлар, матодан тикилган чанг ўтказмайдиган маскалар, пахта-дока боғичлар ва бошқа воситалар ишлатилади.

Нафас олиш органларини радиоактив модда ва чанглардан химоя қилишда турли хил респираторлардан фойдаланилади. Катта ёшдаги аҳоли учун Р-2 ва ШБ-1 ("Лепесток")

респираторларидан фойдаланилади. "Лепесток" респиратори, айниқса Чернобил АЭС авариясида жуда қўл келган бўлиб, бу бир марта қўллаш учун мўлжалланган, ўлчамсиз.

Р-2 респиратори (1) нафас олиш, нафас чиқариш клапанлари, бурун қисқичи ва тасмалари бўлган ярим маска. Респираторни кийиш учун ярим маска юзга кийилади, энгак ва бурун унинг ичида қолиши керак, тасмалар бошга тортилади. Керак бўлганда тасмаларнинг узунлигини ўзгартириб, бурун қисқичининг учини бурунга қаттиқ босиб туриш керак.

Пахта-дока боғич(5)ни ҳар бир фуқаро ўзи тайёрлаши мумкин. Бунинг учун 100-60 см.ли дока олиниб, ўртасига эни ва бўйи 20-30 см ва қалинлиги 1-2 см қилиб пахта солинади, сўнг у дока билан ўралади. Доканинг учларини 25-30 см.дан кесиб боғич қилиб қўйилади. Боғич энгак оғиз ва бурун беркиладиган қилиб тутилади. Боғич учлари бошнинг тепа суяги ва энса устидан боғланади.



3-расм.Нафас олиш органларининг якка ҳимояланиш воситалари: 1-респиратор Р-2; 2- «Лепесток» типдаги Респиратор; 3-газқиқоб ГП-5; 4-чангга қарши маска ПТМ-1; 5-пахта-докали боғич.


Терини ҳимоя қилиш воситалари. Уларга умумқўшин ҳимоя жамламаси, енгил ҳимоя костюми, комбинзон, фартук, фильтрловчи ҳимоя кийимлари ва бошқалар киради. Улар кийимларни ва терини радиоактив модда, захарли модда бактериологик воситалардан ҳимоя қилиш учун ишлатилади. Одамни альфа нурланишдан тўла, бетта нурланишдан 50-70% сақлайди, аммо сингувчи радиациядан (гамма нурлар ва нейтронлардан) ҳимоя қила олмайди.

Умумқўшин ҳимоя жамланмаси. Жамланма ОП-1 ҳимоя плашчи, ҳимоя пайпоқ ва қўлқопдан иборат. Ҳимоя плашчи резиналанган матодан тикилган бўлиб, қалпоғи, шпеньека (тугма ўрнида) ва тасмаси бор. Ҳимоя пайпоқ ва қўлқоп ҳам резиналанган матодан тайёрланган. Пайпоқнинг таги брезент ёки резина қўшиб пухталанган. Ҳимоя жамланмаси ҳам поход, тайёр ва жанговар ҳолатда олиб юрилади. Зарарланган жойда юришга тўғри келганда оёқ кийим устидан ҳимоя пайпоқ кийилади. Плашчга қўлни тикиб, шпеньекалар тақилади ва қўлқоп кийилади. Плашчни комбинзонга ўхшатиб кийиш ҳам мумкин.

Енгил ҳимоя костюми Л-1 резина шимдирилган матодан тикилади, қўйлак, капюшон билан ҳимоя пайпоқли шим, икки жуфт ҳимоя қўлқопи ва ип газламадан қилинган подшлемникдан иборат. Сумкада олиб юрилади. Костюм зарарланган ҳудудга киришдан олдин кийилади. Аввал пайпоқ билан шим кийилади ва елка боғичи билан боғлаб куйилади Кейин қўйлак ва газқиқоб кийилади, маска устидан капюшон кийилиб, клапан тақилади, қўлқоп ва подшлемник кийилади. Булардан ташқари синтетик резинадан ишланган комбинзон ва костюм ҳам бор. Гигиена талаблари нуктаи назаридан костюмларни организмга таъсирини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун ҳаво ҳароратига қараб, костюмда қанча вақт юриш мумкинлиги кўрсатилган:

ҳаво ҳарорати вақти	Фойдаланиш
+ 30 ° ва ундан юқори	20 дақиқа
+ 25-29° да	30-40 дақиқа
+ 20- 24° да	1 соат
+ 15 - 29°	2 соат

+ 10° дан паст бўлганда 4-5 соат.
 куйида енгил химоя костюмининг тузилиши берилган:




4-расм. Енгил химоя костюми Л-1: 1-шими, пайпокдари билан; 2-подшлемник; 3-капюшонли костюм; 4- икки бармоқди кулкрплар; 5-костюмни сакдаш учун сумка; унга — жаиговар холатдаги химоя костюми.


Ахоли бундан ташқари рўзғорда кийиладиган резина аралашган матолардан тикилган оддий кийимлар, спорт кийимлари; оёқ кийимлардан: резина ботинкалар, калишлардан; қўлларни химоялашда резина ва теридан тайёрланган қўлкоплардан х;ам фойдаланадилар.

Кундалик кийимлар тўла герметик хусусиятга эга бўлмаганлиги сабабли, улардан фойдаланишда қўшимча химоя воситаларидан фойдаланиш лозим.

Шахсий тиббий муҳофаза воситалар (ШМТВ) — фавкулдда вазият шикастловчи омилининг инсонлар саломатлигига таъсири олдини олишга ёки уни таъсирини камайтиришга мулжалланган тиббий препарат ёки буюм. Уларга индивидуал боғлов пакети (ИБП) (5-расм), индивидуал аптечка (АИ-2) (6-расм) ва кимёвий индивидуал пакет (КИП) киради



5-расм.. Индивидуал борлов пакети: а — кесиб куйилгаЛ жойдан ташки рилофини олиш; б — ички тахламини чиқари! олиш; в — борлов материалининг ёзилган х,олда куриниши (1| дока учи; 2-сурилмайдиган ёстикча; 3-рангли иплар; 4| суриладиган ёстикча; 5-дока; 6-дока урами).



6 - р а с м . ; Индивидуал (аптечка (АИ-2).


Булар ёрдамида инсонлар ҳаётини хавфдан қутқариш, уларнинг шикастланишини олдини олиш, организмни хавфли ва зарарли омилларнинг таъсиридан сақлашга ёрдам беради

Тиббиёт боғлов пакети яра ва куйган жойларга зарарсизлантирилган боғлов қўйиш мақсадида ишлатилади.

Индивидуал боғлов пакети 32x17,5 см катталиқда иккита пахта-дока ёстикча, эни 10см ва узунлиги 7м келадиган марлидан иборат. Ёстикчасининг биттаси марлининг учига тикиб қўйилган, иккинчиси эса марли бўйлаб бемалол суриладиган бўлади. Пакетдаги ёстикча ва марли стерил бўлиб, пергамент қоғозга ўралган. Пакетнинг ташқи ғилофи резина шимдирилган газламадан ишланган, боғлов материални шу тариқа икки қават қилиб ўраб қўйилганлиги стериллигини яхши сақланишини таъминлайди. Пакетга тўғноғич солиб қўйилган бўлади. Ғилофида пакетдан фойдаланиш қоидалари кўрсатиб қўйилган. Боғлам қўйишда пакет қўлда ушланиб, ўнг қўл билан пакет ташқи ғилофи кесмасидан очилади ва ички ўрови олинади. Олдин тўғноғич чиқариб олинаиб, кейин қоғоз ўрови олиб ташланади ва ёстикчаларнинг ички юзасига, яъни жароҳатга қўйиладиган томонига қўл урмасдан боғлов материали очиб ёзилади. Ёрдам бераётган киши ёстикчаларнинг фақат рангдор иплар билан чатиб қўйилган томонинигина қўл билан ушлаши мумкин. Ёстикча дока билан ўраб боғланади, дока-марлининг учи тўғноғич билан маҳкамлаб қўйилади.

Индивидуал аптечка (АИ-2) аҳолига радиацион нурланиш, захарловчи моддалар ва бактериологик воситалар ёрдамида профилактик ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур тиббиёт воситаларидан иборат бўлади.

Аптечкада тиббиёт воситалар жамланмаси мавжуд.



7 - р а с м . К и м ё в и й шикастланишга қ а р ш и индивидуал пакет (КИП): а — умумий қурилиши; б — К И П д а н фойдаланиш тартиби.

Кимёвий шикастланишга қарши индивидуал пакет суяқ томчи захарли моддалардан тери, кийим ва оёқ кийимларни зарарсизлантиришда ишлатилади.

Пакет идишдаги зарарсизлантирадиган суяқлик ва пахта-докали тампондан иборат. Тампонлар идишдаги суяқликга ботирилиб, тери, кийимлар ва оёқ кийимларнинг зарарланган жойи артилади (7-расм).

Артилаётган вақтда тери ачишса, хавотир олманг, у тез таъсир этиб, организмга зарарли таъсири кузатилмайди. Фақат шуни ёдда тутинг: суяқлик емириш хусусиятига

эга бўлиб, кўз учун хавфли!

Зарарсизлантириш турлари ва усуллари.

Радиоактив ва захарли моддалар ёки бактериологик воситалар билан зарарланган худудларда барча нарсалар: озиқ-овқат махсулотлари, ем-хашак ва бошқалар зарарсизлантирилмагунча инсонлар саломатлигига, ҳамда хайвонларга хавф туғдиради.

Зарарланиш турига қараб зарарсизлантириш уч хил бўлади **дезактивация, дегазация, дезинфекция.**

Зарарланган объектлардан радиоактив моддаларни йўқотиш **дезактивация** дейилади.

Зарарланган объектларни зарарсизлантириш ёки кимёвий нейтраллаш ва улардаги захарловчи моддаларни йўқотишга **дегазация** дейилади.

Зарарланган объектлардан касаллик қўзғатувчи микробларни ва уларнинг токсинларини йўқотиш **дезинфекция** дейилади.

Зарарсизлантириш чора-тадбирлари фақат аҳоли яшайдиган худудларда амалга оширилади. Қолган худудлар ўз ўзидан зарарсизланади: радиоактив моддалар ўз-ўзидан парчаланади, радиация даражаси пасаяди; захарловчи моддалар буғланади, қуёш нури таъсирида микроблар нобуд бўлади ва х.к.

Дезактивация қисман ёки тўлиқ амалга оширилиши мумкин ва у *механик* ҳамда *физик-кимёвий* усулда амалга оширилади. Объектларнинг устки қисмидаги радиоактив чанглари тозалашда ювиш, қоқиш, артиш дезактивациянинг механик усули ҳисобланади. Бу усул анча қулай бўлиб, зарарланган худуддан чиққан захоти қўлланиши мумкин. Радиоактив моддалар билан кучли зарарланганда бу усул яхши натижа бермаслиги мумкин. Шу боис, радиоактив моддаларни махсус препаратлар эритмасидан тайёрланган, ювилиш (йўқотиш) имконияти юқори бўлган эритмалардан фойдаланиб, физик-кимёвий усулда дезактивациялашни амалга ошириш лозим.



8 - р а с м . Кийимлар, якка ҳимояланиш воситаларини қ и с м а н дезактивациялаш.

Кийимлар қай даражада захарланганлигига қараб қисман ёки тўлиқ дезактивация қилинади. Қисман — зарарланган худуддан чиққандан сўнг амалга оширилади; қоқиб, чўтка ёки чанг ютгич билан тозалаб дезактивацияланади. Бундай тозалаш зарарланиш хавфи даражасини 90-95 % гача камайтиради. Агар кийим ва оёқ кийимлар хўл бўлса, кўрсаткич 30 % дан ошмайди.

Дезактивациядан сўнг ҳар бир буюм дозиметрик назоратдан ўтказилади. Агар зарарланиш меъёридан ортиқ бўлса, газникоб, респиратор, пахта-докали боғичлар ёрдамида иккиламчи маротаба яна қайтадан дезактивацияланади. Тўлиқ дезактивация махсус ишлов бериш жойларида ўтказилади.

Металл, ёғоч, шиша, резина предметлар сув билан ёки дезактивацияловчи эритмалар ёрдамида ювилади. Асфальтланган кўчалар, ховлилар машинада, қўлда супуриш, сўнгра сув сепувчи машинада ёки шланкада ювиб дезактивацияланади.

Тупроқли ерларни дезактивациялаш ернинг устки қисмини 5-7см чуқурликда бульдозер ёки белкурак билан қириш, чопиқ қилиш орқали амалга оширилади.

Сувни дезактивация қилиш тиндириш ёки махсус филтрловчи асбоблар ёрдамида филтрлаш орқали амалга оширилади. Дезактивация ишлари тугаллангандан сўнг радиоактив моддалар йўл қўйилиши мумкин бўлган даражага йўқотилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун дозиметр назорат ўтказилади.

Дегазация — бу кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни зарарли таъсирини бутунлай бартараф этиш ёки йўл қўйилиши мумкин бўлган даражада камайтириш мақсадида ўтказиладиган зарарсизлантириш усулидир.

Дегазациянинг бир қанча усуллари бор.

Механик усули — заҳарли моддалар билан зарарланган нарсаларни (тупроқ, озиқ-овқат, ем-хашак) зарарланган қисмини олиб ташлашдан иборатдир. Зарарланган грунт қатлами чопиб олинади ва махсус ташланадиган жойларга олиб кетилади ёки қум, тупроқ, шағал билан усти ёпилади.

Физик усули - зарарланган буюм ва материалларни иссиқ ҳаво ёрдамида ёки буғлаш, қайнатиш билан тозалашдан иборатдир.

Дегазациянинг **кимёвий усули** заҳарли моддаларни турли кимёвий эритмалар ёрдамида тозалаш, нейтрал ҳолатга келтириш билан тавсифланади.

Дезинфекция — зарарланган объектлардан касаллик кўзғатувчи микробларни ва уларнинг токсинларини йўқотишдир. Дезинфекция ёки юкумсизлантириш одамнинг атрофидаги муҳитда юкумли касалликлар кўзғатувчиларини йўқ қилишга қаратилган махсус чора-тадбирлар мажмуасини ташкил этади.

Дезинфекциянинг иккита тури мавжуд: **дезинсекция ва дератизация**. **Дезинсекция** юкумли касалликларни юктирувчилари бўлмиш хашарот ва каналарни йўқ қилиш тушунилса, **дератизация** эпидемиологик жиҳатдан хавф соладиган кемирувчиларни кириб ташлаш тушунилади.

Профилактик жорий ва якунловчи дезинфекция тафовут қилинади.

Профилактик дезинфекция ҳар доим аҳоли ўртасида турли касалликларни олдини олиш мақсадида кундалик, гигиеник коидаларга амал қилишни (идиш ва қўлларни совун, порошоклар билан ювиш, кийимлар, ёстиқ ва ўрин жилдларини ювиш, биноларни тозалаш ва ҳ.к.) назарда тутаяди.

Жорий дезинфекция инфекциянинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида бемор тўшагини ёнида амалга оширилади (беморнинг ажратмаларини ва унга тутилган нарсаларни юкумсизлантириш).

Якунловчи дезинфекция инфекция ўчоғини касаллик кўзғатувчилардан батамом халос қилиш мақсадида бемор касалхонага ётқизибли, тузалиб кетгандан ёки ўлгандан кейин инфекция ўчоғида ўтказилади.

Заруриятга қараб дезинфекция учун юкумсизлантириш биологик, механик ва кимёвий воситалардан фойдаланилади.

Биологик усул оқава сувларни тозалашда қўлланилади. **Механик усулларга** хона ва анжомларни ҳўл латта билан артиш, кийим-кечак ва ёстиқ-ўрин кўрпаларни қоқиб тозалаш, хоналарни чанг юткич билан чангдан ҳоли қилиш, оқлаш, бўйаш, қўлларни ювиш киради.

Физик воситалар ва усуллар дезинфекциянинг энг оддий ва қулай усулидир. Булар жумласига қуёш нурлари ва ультрабинафша лампалар нурига солиш, иссиқ дазмол билан дазмоллаш, ахлат ва қиммати йўқ нарсаларни ёқиб юбориш, қайноқ сув билан ювиш, қайнатиш, қиздириш киради.

Юқорида кўриб чиқилган зарарсизлантириш усуллари (дезактивация, дегазация, дезинфекция)нинг барчаси фавқулудда вазиятларда инсонлар саломатлигини сақлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобланади. Улар тадбирлар мажмуини ўтказиш жараёнида аҳолини радиоактив, заҳарли моддалар ва бактериологик воситалар билан зарарланишини олдини олиш (**санитар ишлов бериш**) ёки муҳофазалаш мақсадида ўтказилади. Замонавий ва сифатли санитар ишлов бериш орқали тери ва кийим бошларни зарарсизлантириш, одамларнинг зарарланишини олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Санитар ишлов бериш қисман ёки тўлиқ амалга оширилади.

Қисман санитар ишлов бериш зарарланиш ўчоқларида ё у ердан чиқиб олгач дарҳол, тўлиқ санитар ишлов бериш имкони бўлмаганда амалга оширилади.

Тўлиқ санитар ишлов бериш заҳарли модда (ЗМ) билан дегазацияловчи моддаларнинг ўзаро таъсир қилиши туфай ҳосил бўлган маҳсулотларни ва дегазацияловчи моддаларни ортиқчасини бадан терисидан кетказишдир.

Кийимларнинг ЗМ томчилари тушиб қолган ёки суюқ-томчи ҳолидаги ЗМ билан заҳарланган буюмлар теккан айрим жойлари дарҳол индивидуал пакетдан олинган кимёвий суюқлик билан ёки махсус дегазатор билан дегазация қилинади.



9 - р а с м. Санитар ишлов бериш: чапда қисман; ўнгда тўлиқ.

Эвакуация — аҳолини тинчлик ва ҳарбий даврда ихтиёрий ФВдан муҳофаза қилишнинг энг самарали усули.

Аҳоли эвакуацияси - фавқулодда вазият юз берган жойдан аҳолини олиб чиқиб кетиш ва хавфсиз жойлар (шаҳар ташқариси)да олдиндан тайёрлаб қўйилган, ҳаёт фаолиятини таъминловчи шароитлар яратилган ерларга жойлаштириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар мажмуидир.

Эвакуация ўтказиш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи ФВ содир бўлган ҳудуд маҳаллий ҳокими органи бошлиғига берилган. Аҳоли эвакуацияси тадбирларга умумий раҳбарликни ҳудудий, идоравий, объект бошқарув органлари фуқаро муҳофазаси бошлиқлари амалга оширади. Эвакуация тадбирлари бевосита эвакуация органлари томонидан ўтказилади.

Эвакуация усуллари: транспортда, пиёда, аралаш ўтказилиши мумкин.

Эвакуация турлари:

- Аввалдан режалаштирилган ва шошилиш;
- Умумий ва хусусий;
- Локал, маҳаллий ва ҳудудий.

Фавқулотда вазиятларни бартараф этиш куч ва воситалари.

Республикамизда турли тусдаги фавқулотда вазиятларни олдини олиш, фавқулотда вазият содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш “Фавқулотда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими” куч ва воситалари асосида амалга оширилади.

Жалб қилинмадиган куч ва воситалар фавқулотда вазият тури ва хусусиятига қараб белгиланади. Бундай вазиятларда фавқулотда вазиятнинг вақти, камраб олган ҳудуди, аҳоли пункти ва бошқа хусусиятларига алоҳида эътибор берилиб, зудлик билан ишга киришилади.

Фавқулотда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг кучлари - бу тинчлик ва ҳарбий даврдаги фавқулотда вазиятларда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш функциясига эга бўлган барча давлат, маҳаллий объект тузилмалари ва бўлинмаларининг мажмуидир.

ФВДТ нинг фавқулотда вазиятларни бартараф этиш бўйича куч ва воситалари куйидагилардан иборат бўлади: фуқаро муҳофазаси қўшинлари; фавқулотда вазиятлар вазирлигига тўғридан – тўғри ҳамда тезкор бўйсинувчи республика ихтисослаштирилган тузилмалари; вазирликлар ва идораларнинг харбийлаштирилган ҳамда профессионал ихтисослаштирилган авария-қутқарув ва авария-тиклаш бўлинмалари; маҳаллий ҳокимият органларининг (Корақолпоғистон республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар), фавқулотда вазиятлар вазирлиги қутқарувчи командаларининг тузилмалари; объектларнинг ихтисослаштирилган тузилмалари; ҳудудий ва объектларнинг умумимий ва махсус мақсадлардаги тузилмалари; кизил ярим ой жамиятининг кўнгиллилар отрядлари (командалари ва гуруҳлари); “Ватанпарвар” мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти.

Фуқаро муҳофазаси кучлари, фуқаро муҳофазаси қўшинлари, тузилмаларидан таркиб топади.

Фуқаро муҳофазаси вазифаларини ҳал этиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қутқарув тузилмалари, қисмлари ва бўлинмалари ҳам жалб этилиши мумкин.

Фуқаро муҳофазаси қўшинлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси кучларининг асосини ташкил этади. Фуқаро муҳофазаси қўшинлари Фавқулотда вазиятлар вазирлигига бўйсинади ҳамда ўз тезкор йўналишларига мувофиқ харбий даврда республиканинг муҳим мудофаа I саноат объектларида фавқулотда вазиятларни тугатишга оид ишларни олиб борадилар.

Фуқаро муҳофазаси қўшинларининг харбий даврдаги асосий вазифалари зарарланиш ўчоқлари ва заҳарланиш зоналарида муҳандислик радиациявий, кимёвий ва бошқа қидирш турларини олиб бориш; қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш; аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини эвакуация қилиш ишларида иштирок этиш; аҳоли ҳаёт фаолиятини таъминлаш объектлари ишларини амалга оширишда иштирок этиш ҳамда фуқаро муҳофазасининг бошқа вазифаларини бажаришдан иборат.

Тинчлик даврида фуқаро муҳофазаси қўшинлари йирик кўламдаги ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлар, табиӣ офатлар чоғида авария-қутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириши ва махсус приборлар техникалар, асбоб-ускуналар ва тайёрланган мутахассисларни талаб этувчи фавқулотда вазиятларни бартараф этиш учун жалб этилади.

Фавқулотда вазиятлар вазирлигига тўғридан-тўғри бўйсинувчи республика ихтисослаштирилган тузилмалари касбан етук мутахассислар билан тўлдирилган ва жаҳон стандартларига жавоб берувчи махсус қидирув-қутқарув ускуналари билан жиҳозланган, шунингдек энергия таъминоти, махсус кийим-бошларнинг мустақил манбалари, етарлича сув, озиқ-овқат ҳамда қидирув-қутқарув ва бошқа кечиктиб бўлмайдиган ишларни автоном режимда камида 72 соат ичида таъминлашни ҳисоб-китоб қилиниб чиқарилган харажат материалларига эга бўлган доимий тайёргарликдаги авария-қутқарув ва авария-тиклаш кўп тармоқли тузилмаларини ўз ичига олади. Булар республика қидирув-қутқарув маркази (РҚҚМ), махсус харбийлаштирилган қидирув-қутқарув қисми (МХҚҚК.), 68305-харбий қисм (алоҳида алоқа батальони) ва Давлат сувда қутқарув хизмати (ДСҚХ)дир. Республика бўйича жами 17 та авария-қутқарув бўлимлари мавжуд.

Масалан, Қамчик довонидаги қор кўчиши (1999 йил 21 ноябр) қутқарувчиларини оғир иқлим шароитларида ишлай олишларини синовдан ўтказди. Ҳозирги кунда мазкур йўлнинг халқаро миқёсдаги ўрнини ҳисобга олган ҳолда ва транспорт қатновида узилиш бўлмаслиги, энг муҳими, хавфсиз ҳаракатни таъминлаш мақсадида ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ махсус “Қамчик” қидирув-қутқарув отряди ташкил этилган. Бу гуруҳнинг асосий вазифаси “Қамчик” довонида узлуксиз кузатув ишлари олиб бориб, фавқулотда вазият рўй беришининг олдини олиш, бу ҳол содир бўлганда тезкор ҳаракат қилиб хавфсизликни таъминлашдан иборат. «Қамчик» қидирув-қутқарув отряди фаолиятини Республика Бош гидрометеорология хизмати, «Ўзавтойўл» концерни, Ички

ишлар вазирлиги, Давлат геологик хавфли ҳодисалар хизмати ходимлари билан биргаликда амалга оширади.

Аҳолини табиий, техноген, экологик ва биологик-ижтимоий, ҳарбий ғавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш барча муҳофаза тадбирларидан, самарали усул ва воситалардан муҳассам фойдаланган ҳолда амалга оширилсагина кўзлангаи натижаларга эришилади. Бунинг учун республикамиз фуқаролари аҳоли ва ҳудудларни ғавқулдда вазиятлардан муҳофазалаш асосий усуллари, жамоа ва якка ҳимояланиш воситаларидан фойдаланишни кўникма ва малакаларини, муҳофаза тадбирларини, ғавқулдда вазиятларда ҳаракатланиш қоидаларини мукаммал эгалламоғи, зарур ҳолларда авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш лозим.

Талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси аҳоли ва ҳудудларини муҳофаза қилишнинг қандай тадбирлар мажмуи мавжуд ва уларнинг-моҳияти нималардан иборат?
2. Аҳолининг жамоа муҳофазаланиш воситаларини нималар ташкил этади ва улардан фойдаланиш тартиби?
3. Якка ҳимояланиш воситалари ва уларнинг тузилишини тушунтириб беринг?
4. Зарарсизлантириш усуллари нималардан иборат?
5. Аҳоли эвакуацияси қандай тартибда амалга оширилади?